

## КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шаҳар

202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

«Гарант банк» акциядорлик жамиятининг \_\_\_\_\_ Амалиёт бошқармаси/банк хизматлари офиси (кейинги ўринларда – Банк) номидан Низом ҳамда 202\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_ даги \_\_-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Амалиёт бошқармаси бошлиғи/БХО бошқарувчиси ФИШ бир томондан ва “корхона номи” (ташкилий ҳуқуқий шакли) Низом/гувоҳнома асосида иш юритувчи директори ФИШ (кейинги ўринларда – Қарз олувчи) иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарз олувчига Амалиёт бошқармаси/БХО кредит қўмитасининг «\_\_» «\_\_\_\_\_» 202\_\_ йилдаги «\_\_» - сонли қарорига асосан \_\_\_\_\_ мақсадида \_\_\_\_\_ муддатга \_\_\_\_\_ лик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда йиллик \_\_\_\_ фоиз миқдорида устама ҳақи тўлаш шарти билан \_\_\_\_\_ ( ) сўм миқдорида кредит маблағлари ажратади.

### 2. Асосий тушунчалар

2.1. Ушбу Шартномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Кредит мақсади** – \_\_\_\_\_ русумли автотранспорт сотиб олиш учун.

**Фоишларни тўлаш санаси** – ҳар ойнинг \_\_ санасида Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича барча ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилгунига қадар.

**Асосий қарзни тўлаш санаси** – имтиёзли давр тугаганидан кейин (агар имтиёзли давр бўлса) ҳар ойнинг \_\_ санасида.

**Молиялаштиришни очиш санаси** – кредитнинг ёки унинг бир қисмининг ажратиш санаси (кредит бўйича).

**Кредит қарздорлиги (Асосий қарз)** – Қарз олувчи томонидан фойдаланилган, аммо уни қайтариб бермаган ва тўланмаган Кредит ёки унинг бир қисми.

**Кредитдан фойдаланиш** – қарз олувчи томонидан лойиҳани амалга ошириш учун Кредит шартномаси бўйича маблағлардан мақсадли фойдаланиш.

**Кредит** – Банк томонидан Қарз олувчига ушбу шартномада кўзда тутилган шартлар билан тақдим этиладиган маблағларнинг умумий қиймати.

**Кредитор/Банк** – \_\_\_\_\_ **АЖ Амалиёт бошқармаси/БХО**

**Кредит бўйича фоиз ставкаси** – муддатли кредит қарздорлик учун йиллик «\_\_» ( ) фоизни ташкил этади (кредит қолдиғига ҳисобланади).

**Кредит муддати** – кредит шартномасини тузган санадан бошлаб «\_\_» ой.

**Кредит таъминоти** –

**Асосий қарзни тўлаш бўйича имтиёзли давр** – кредит шартномаси имзоланган санадан бошлаб «\_\_» ой.

**Фоишларни ҳисоблаш даври** – фоишларни ҳисоблаш кредит ажратилган санадан бошланади ва Қарз олувчи томонидан қарз тўлиқ тўланмагунча, кейинги фоишларни тўлаш санасида (шу санадан ташқари) тугайди.

**Асосий қарзни тўлашнинг охириги санаси** – бу кредит муддатидан кечикмай белгиланган, асосий қарзни тўлашнинг охириги санасини билдиради.

**Асосий қарзни қайтариш даври** – имтиёзли давр тугаганидан сўнг ҳар бир фоизларни тўлаш санасида биринчи кредит тўловини қайтариш санасидан бошлаб ва охириги кредит тўловини қайтариш кунидан бошлаб «\_\_» ойдан кўп бўлмаган муддат.

**Фоизларни тўлаш муддати** – кредит асосий қарзини тўлашнинг ҳар бир санасида ва кредит асосий қарзининг охириги қисмини тўлаш пайтигача бўлган муддат.

**Учинчи томон** – ушбу шартнома томони бўлмаган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс.

**Банк иш куни** – қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган кун ичида ўрнатилган иш вақти.

2.2. Ушбу шартномада, агар контекст бўйича бошқача талаб қилинмаса, бирлик маъносини билдирувчи сўзлар кўплик сонини ва аксинчани англатади.

### **3. Кредит ажратиш шартлари**

3.1. Кредит Қарз олувчига Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун ёпиқ (очиқ) кредит линияси асосида банкнинг ўз маблағлари (жамғарма маблағлари) ҳисобидан молиялаштирилади.

3.2. Қарз олувчи ушбу Шартнома шартларига кўра кредит олиш учун барча талабларни бажаргандан сўнг, Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун кредит бўйича маблағ олиш ҳуқуқига эга бўлади.

3.3. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ, Банка қарзни сўндириш бўйича Қарз олувчининг барча банклардаги ҳар қандай ҳисобварақларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини акцептсиз чиқариб олиш ҳуқуқини беради.

3.4. Кредит маблағлари қуйидаги шартномаларни молиялаштириш учун ажратилади:

\_\_\_\_\_ МЧЖ билан 202\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_ да тузилган \_\_\_\_\_-сонли шартномага асосан \_\_\_\_\_ мақсадида \_\_\_\_\_ млн.сўм.

3.5. Кредитдан фойдаланиш муддати – ушбу Шартнома имзоланган санадан бошлаб \_\_\_\_\_ ой.

3.6. Ажратилган кредит учун асосий қарзни тўлаш бўйича имтиёзли давр – ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб \_\_\_\_ ой.

3.7. Қарз олувчи кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ ҳар ойнинг \_\_\_\_-санасидан кечиктирмай ойлик кредит тўловларини амалга оширади.

Бунда кредит асосий қарзи кредит муддатидан имтиёзли даврни чегирган ҳолда кредитнинг муддатига мутаносиб равишда тенг миқдорларда тақсимланади.

Қарз олувчи томонидан кредит маблағлари имтиёзли давр оралиғида тўлиқ ўзлаштириши шарт. Ўз вақтида ўзлаштирилмаган кредит маблағлари ажратиб берилмайди.

3.8. Муддати ўтган қарздорлик учун кредит фоизи ўрнатилган фоиз ставкасидан 1,5 баробар оширилиб ҳисобланади.

3.9. Фоизлар суммаси Қарз олувчининг кредит бўйича амалдаги қарздорлигидан келиб чиққан ҳолда, кредитдан фойдаланиш даврининг амалда ўтган кунлар сонини йиллик базавий даврга (365 кунга) бўлиш асосида ҳисоб-китоб қилинади. Кредит учун

ҳисобланган фоизлар тўлови миллий валютада, молиялаштириш очилган санадан бошлаб, ойига бир марта, ҳар ойнинг 5 кунда амалга оширилади. Фоизлар бўйича охириги тўлов кредит қайтарилишининг якуний санасида амалга оширилади.

3.10. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартноманинг имзоланиши Банкка Шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилмаган тақдирда Қарз олувчининг барча банклардаги ҳар қандай ҳисобварақларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини чиқариб олиш ҳуқуқини берувчи акцепт ҳисобланади.

3.11. Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича амалга оширилган ҳар қандай тўловлар, бошқа мажбурий қоидалар мавжуд бўлмаган тақдирда ёки Банк бошқача қарор қабул қилмаса, Банк томонидан Қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш учун қуйидаги кетма-кетликда юборилади:

комиссиялар, жарималар, пенялар, муддати ўтган асосий қарздорликка ҳисобланган юқори фоизлар;

кредит фоизлари бўйича муддати ўтган тўловлар;

кредитнинг асосий қарзи бўйича муддати ўтган тўловлар;

кредит фоизлари бўйича муддатли тўловлар;

кредит асосий қарзи бўйича муддатли тўловлар.

Асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўланганлик санаси деб маблағларни кўрсатилган ҳисобварақларга келиб тушган кун ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ 292-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқатида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 10-бандига асосан тўлов миқдори кредит мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаганда, маблағларни, биринчи навбатда, мутаносиб равишда муддати ўтган асосий қарз ва фоиз қарздорликларини, иккинчи навбатда жорий тўлов учун ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзни, кейинги навбатларда неустойка ва ижро харажатларини қоплашга йўналтириш тартиби ўрнатилади.

3.12. Шартнома бўйича асосий қарз ва фоизларни бажариш санаси дам олиш кунига тўғри келса, тўлов ундан кейинги биринчи иш кунда амалга оширилади.

## **4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **4.1. Банкнинг ҳуқуқлари:**

4.1.1. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартноманинг шартлари бузилганда Банк асосий қарз, ҳисобланган фоизлар ва кредит бўйича бошқа тўловлар бўйича бутун қарздорликни Қарз олувчининг исталган ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш.

4.1.2. Қарз олувчидан ушбу Шартнома шартлари ва амалдаги қонунчилик талаблари асосида кредит таъминотини белгиланган муддат ва миқдорларда тақдим этилишини талаб қилиш.

4.1.3. Кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим этилаётган автотранспорт воситасини мониторинг қилиб бориш ва уларни бут сақланишини, қиймати камайишига олиб келадиган хатти-ҳаракатни амалга оширмасликни Қарз олувчидан талаб қилиш.

Гаровга тақдим этилган мол-мулкнинг қиймати камайган тақдирда Қарз олувчидан қўшимча таъминот сифатида бошқа мол-мулкни гаровга тақдим этилишини талаб қилиш.

4.1.4. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки лозим даражада бажармаслик ҳолатлари кузатилган тақдирда қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш:

Қарз олувчига мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳоллари бошланганлиги тўғрисидаги ёзма талабномани уни бартараф этиш муддатларини кўрсатган ҳолда юбориш;

ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини қўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;

Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бузилиши ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, Қарз олувчи ёки Кафилнинг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳамда микроқарзни қайтарувчи ҳар қандай омиллар пайдо бўлганда, кредит шартномасини муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиш ва қарздорликни тўлиқ ундириш тўғрисида тегишли судга даъво аризаси киритиш;

ундирувни белгиланган тартибда кредит таъминотига қаратиш;

ушбу шартномани унда кўрсатилган тартибда бекор қилиш;

ушбу шартномага ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

4.1.5. Қарз олувчи томонидан кредит маблағларини мақсадли ишлатилишини талаб қилиш.

Қарз олувчи томонидан шартноманинг мазкур банди бузилган тақдирда кредит маблағларини муддатидан аввал қайтарилишини талаб қилиш.

4.1.6. Қарз олувчи ва/ёки гаровга қўювчи томонидан гаровга тақдим этилган гаров нарсасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 280-моддасида белгиланган тартибда суднинг қарорисиз ундирувга қаратиш.

## **4.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:**

4.2.1. Банк томонидан белгиланган барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг белгиланган миқдор ва муддатларда кредит ажратилишини талаб қилиш.

4.2.2. Кредитдан фойдаланиш ҳолати тўғрисида маълумот олиш ва кредит шартларини ўзгартириш бўйича таклифлар билан Банка муурожаат қилиш;

4.2.3. Ушбу шартнома тузилган пайтдан бошлаб кредит маблағлари ажратилгунга қадар бўлган даврда ҳеч қандай тўловларни тўламасдан кредит олишни рад этиш;

4.2.4. Банкнинг ёзма розилигига кўра мазкур Шартнома бўйича кредит қарздорлигини муддатидан аввал тўлаш. Бунда тўлов кунига қадар кредит учун ҳисобланган фоизлар биринчи навбатда сўндирилади.

## **4.3. Банкнинг мажбуриятлари:**

4.3.1. Қарз олувчига ушбу Шартномада назарда тутилган шартлар ва тартибда кредит бериш;

4.3.2. Қарз олувчига кредит бериш жараёнида иштирок этувчи ҳисобварақлар ҳаракати ва ҳисоб-китоблар, комиссиялар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш бўйича кўчирмаларни тақдим этиш;

4.3.3. Қарз олувчи томонидан кредит тўлиқ қайтарилгандан сўнг, гаров предмети бўйича тақиқларни бекор қилиш учун нотариал органларга хат тақдим этиш. Гаров таъминоти банк томонидан нотариуслар иштирокисиз рўйхатга олинган тақдирда, тақиқни олиб ташлаш Банкнинг ўзи томонидан амалга оширилади.

#### **4.4. Қарз олувчининг мажбуриятлари:**

4.4.1. Кредит шартномаси кучга киргунича кредит ҳисобидан сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг \_\_\_\_\_ % миқдоридagi \_\_\_\_\_ сўм қисми бўйича тўловларни амалга ошириш.

4.4.2. Кредит қайтариш таъминоти сифатида қуйидагиларни амалдаги қонунлар талабларига мувофиқ ва Банкни қаноатлантирадиган шаклда расмийлаштириш:

а) кредит ҳисобига сотиб олинаётган, қиймати \_\_\_\_\_, русуми \_\_\_\_\_ бўлган автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказган кундан бошлаб 10 (ўн) кунлик муддат ичида “Гарант банк” фойдасига гаров шартномаси асосида гаровга тақдим этиш.

4.4.3. Суғурта полиси кучга кириши учун етарли суммадаги суғурта бадалини суғурта компаниясига кредит олгунча тўлаш.

4.4.4. Автотранспорт воситаси сотиб олинган кунни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 15 (ўн беш) кунгача бўлган муддат мобайнида Банкка транспорт воситаси рўйхатдан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома (техник паспорт)ни тақдим этиш.

4.4.5. Кредитга олинган автотранспорт воситаси 10 (ўн) кун ичида “Гарант банк” АЖ фойдасига ўзгалар ихтиёрига ўтказилиши тақиқлангани тўғрисидаги хабарномани банкка тақдим этиш.

4.4.6. Кредит шартномасининг ажралмас қисми бўлган 1-илова - Кредитни қайтариш тўлов графигига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан кредит асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизларни белгиланган муддатларда тўлиқ миқдорда тўлаш.

4.4.7. Банк талабига кўра Қарз олувчининг ушбу шартнома амал қиладиган бутун муддат мобайнидаги гаров мулкининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни Банкка тақдим этиш.

4.4.8. Ушбу Шартнома шартлари ва амалдаги қонунчилик асосида кўчар ва кўчмас мол-мулк ҳамда бошқа таъминотларни гаров таъминоти сифатида тақдим этиш.

4.4.9. Қарз олувчи банкнинг биринчи талаби бўйича банк томонидан амалга оширилган барча қўшимча ҳаражатларни ёки банк ушбу шартноманинг бажарилиши муносабати билан банк томонидан амалга ошириладиган ҳаражатларни қоплайди.

4.4.10. Ушбу Шартнома бўйича кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитнинг мақсадлилиқ, муддатлилиқ, таъминланганлиқ, тўловлилиқ ва қайтаришлиқ тамойилларига қатъий риоя қилиш.

4.4.11. Қарз олувчининг ташкилий ҳуқуқий шакли, манзили, реквизитлари ва бошқа маълумотлар ўзгаргада, бу ҳақда Банкка 5 (беш) банк иш куни ичида хабар бериш ҳамда тегишли ҳужжатларни тақдим этиш.

4.4.12. Банкнинг кредит маблағларини мақсадли ишлатилиши ҳолатларини ўрганиши бўйича барча зарур шарт-шароитларни яратиш.

4.4.13. Қарз олувчи томонидан гаровга тақдим этилган мол-мулкларнинг бутлигини Банк вакиллари томонидан текширилишига тўсқинлик қилмаслик.

4.4.14. Қарз олувчининг ташаббусига кўра кредит шартномасига ўзгартириш киритилганда ариза берилган санадаги БХМнинг 5 баробари миқдорида тўловни амалга ошириш.

4.4.15. Ўз маблағлари (капитали) камайишига олиб келадиган операцияларни (дивиденд тўлаш, устав капитални камайтириш ва бошқалар) банкнинг тегишли розилиги олингандан сўнггина амалга ошириш.

4.4.16. Ушбу Шартноманинг амал қилиш даврида ҳамда томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармагунларига қадар Қарз олувчининг хўжалик фаолиятига ва унинг кредитни қайтариш қобилиятига қандайдир тарзда салбий таъсир этиши мумкин бўлган хўжалик ва юридик операцияларнинг исталган турларини ҳамда Қарз олувчининг уставига зид бўлган операцияларни амалга оширмаслик.

## 5. Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари

5.1. Ушбу бандда қайд этилган ҳодисалардан исталгани мажбуриятларни бажармаслик ҳолати ҳисобланади:

Қарз олувчи томонидан кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларнинг ушбу шартнома ва тўловлар жадвали бўйича амалга оширмаганлик;

Банкка ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар тақдим этиш;

Банк хулосаси бўйича Қарз олувчи томонидан тақдим этилган ҳар қандай таъминотнинг ўз қийматини қисман ёки тўлиқ йўқотганлиги ёки ҳақиқий бўлмай қолганлиги;

Қарз олувчи тўлов қобилиятининг ёмонлашиши ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг мунтазам равишда бажарилмаслигига олиб келадиган ахборотларни яширилиши;

ушбу шартнома шартларининг бузилиши;

ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар (гаров, суғурта ва бошқалар) шартларининг бузилиши.

## 6. Кредит таъминоти

6.1.1. Кредит бўйича таъминот сифатида қуйидагилар қабул қилинади:

6.1.2. \_\_\_\_\_.

6.2. Банк билан келишилган ҳолда Банкни қаноатлантирадиган бошқа шаклдаги ликвидли таъминот қабул қилиниши мумкин.

6.3. Таъминотнинг умумий қиймати кредит қолдиғининг 125% дан паст бўлиши мумкин эмас.

6.4. Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулк гаров сифатида тақдим этилиши ҳолатида, Қарз олувчи кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулк юзасидан эгалик ҳуқуқини ўзига расмийлаштириб олган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида, кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулкни Банк билан келишилган ҳолда, бозор баҳосининг \_\_\_\_% дан кўп бўлмаган қийматда гаровга қўйиш шартномасини тегишли тартибда расмийлаштириб Банкка тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ушбу шарт бузилган тақдирда, Банк Қарз олувчидан кредит қарздорлик қолдиғининг 0,5% миқдорида ҳар кунлик пеня ундириш ҳуқуқига эга бўлади ва унинг миқдори ушбу қоидабузарлик юзага келган кундан бошлаб у тўлиқ бартараф этилишига қадар мажбуриятларни бузиш ҳар бир кунига ҳисобланади. Бунда кредит қарздорлигининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўланади.

6.5. Қарз олувчи таъминот ёмонлашган ва унинг қиймати камайган тақдирда ёки тақдим этилган таъминот Банк талабларига жавоб бермай қолган бошқа ҳолатларда Банкнинг талабномаси қўйилган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) банк иш куни ичида Банк талабларига мувофиқ бўлган таъминотни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6.6. Ҳуқуқбузарлик ёки жиноят субъекти сифатида гаров мусодара қилинган ёки бошқа йўл билан йўқ қилинган тақдирда, шунингдек, кафил банкрот бўлган тақдирда, Қарз олувчи Банк талабига жавоб берадиган кредит учун бошқа ликвид мол-мулк билан кредитни таъминлаши шарт.

## **7. Кредит қарздорлигини муддатидан олдин ундирувга қаратиш**

7.1. Банк Қарз олувчидан кредит суммасини ва бошқа тегишли тўловларни муддатидан олдин зудлик билан тўлаб берилишини талаб қилиш ҳамда муддатидан олдин ундириш тўғрисидаги даъво-талаблари билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлишига қуйидаги ҳолатлардан бири давом этаётгани асос бўлади:

а) Қарз олувчи кредит бўйича ўз қарзларини қайтариш қобилиятини йўқотиши ёки уларни тўлаш муддатида қайтармаслиги ва бу ҳолат тўлаш муддати бузилган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун давом этса;

б) Қарз олувчи ушбу Кредит Шартномаси бўйича ва/ёки исталган бошқа келишув бўйича, шу жумладан, гаров, кафиллик шартномаси ва бошқа битимлар (шу жумладан, тўлов жадвали бўйича тўловни амалга ошириш) бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётганлиги ва бу ҳолат Банк Қарз олувчига бажармаётганлик ҳолати ҳақида хабар бергандан сўнг 5 (беш) иш куни давом этса;

в) Қарз олувчининг (Кредит бўйича бўлган қарздорликдан ташқари) қандайдир қарздорлиги юзасидан ёки Қарз олувчининг белгиланган муддатда тўланмаган қандайдир қарздорлиги бўлган шартномага асосан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаса;

г) Кредит бўйича таъминот ёки таъминотнинг бирон бир қисми ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларга нисбатан ўзи кучини йўқотса;

д) давлат органлари Қарз олувчига тегишли мол-мулкнинг ёки бошқа активларнинг барчасини ёки бир қисмини, ёки Қарз олувчининг мол-мулкини ёки бошқа активларини, ёхуд Қарз олувчининг фаолиятини тугатиш учун исталган ҳаракатни амалга оширса;

е) Қарз олувчи ёки Қарз олувчига алоқадор бўлган учинчи шахсларга нисбатан даъво-талаблари ёки иш юритуви қўзғатилиши ва уларнинг натижасида Қарз олувчининг исталган мол-мулки унинг кредиторлари ўртасида тақсимланиши эҳтимоли мавжуд бўлса;

ж) Қарз олувчининг мол-мулки бошқа мажбуриятларга асосан ундирувга қаратилса ёки унга банд солинса.

## **8. Алоҳида шартлар**

8.1. Банк ўз ихтиёрига кўра Қарз олувчига нисбатан ушбу шартнома бўйича ўзига тегишли бўлган ҳуқуқлардан исталганини қўллаши ёхуд қўлламаслиги мумкин.

8.2. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларнинг қўлланмаслиги ёхуд қисман қўлланиши ушбу ҳуқуқлардан воз кечишни англатмайди ва улар келгусида исталган вақтда қўлланиши мумкин.

8.3. Ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи Банкка шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини бажариш юзасидан ҳамда қонунчиликка зид келмайдиган бошқа мақсадларда ўзининг ёки унинг таъсисчилари ва ходимларининг ҳар қандай маълумотларига ишлов бериш ва фойдаланиш ҳуқуқини беради.

## **9. Томонларнинг жавобгарлиги**

9.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## **10. Форс-мажор ҳолатлари**

10.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар. Бунда тарафларнинг ҳеч бири, ажратилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятдан ташқари, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

10.2. Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнғин, zilзила, портлаш, бўрон, ер кўчкиси, эпидемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

10.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

10.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида 10 (ўн) кунлик муддатда ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

10.5. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

## **11. Шартноманинг амал қилиш муддати**

11.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи кредит ва унинг фоизларини тўлагунча ҳамда томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилгунга қадар амал қилади.

## **12. Низоларни ҳал этиш**

12.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган келишмовчиликлар ва/ёки низоли вазиятлар юзага келган ҳолларда томонлар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда, уларни музокаралар йўли билан ҳал қиладилар. Томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун суд органларига ўтказилади.

12.2. Низолар келишув йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, ўз ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаётган тараф бошқа тарафга талабнома юборади. Талабнома

тақдим этилган тараф, талабнома олинган кундан бошлаб 15 кун ичида унга жавоб беришга мажбурдир. Низолар бўйича келишувга эришилмаган тақдирда низо Банк жойлашган жойдаги судда кўриб чиқилади.

### **13. Коррупцияга қарши шартлар**

13.1. Мазкур шартлар Тарафлар, уларнинг аффилиланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очик ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупциявий фаолиятга аралашини хатарларини минималлаштиришга, шунингдек Тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

13.2. Тарафлар мазкур шартларга риоя қилиш ҳамда мазкур Шартнома бўйича ҳаракат қилувчи ўз аффилиланган шахслари ва ишчилари томонидан риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек мазкур шартларнинг амалда бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда бир бирига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

13.3. Тарафлар мазкур Шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек ўз аффилиланган шахслари ва ишчилари ушбу ҳаракатларни бевосита ёки билвосита амалга оширмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади:

мансабдор шахслар, мансабдор шахсларнинг қариндошлари ёки мансабдор шахслар томонидан кўрсатилган шахслар, ёхуд давлатга бирон тарзда алоқадор шахсларга Тарафлар, мазкур Шартнома бўйича ҳаракат қилувчи уларнинг аффилиланган шахслари ва ишчилари учун ноқонуний равишда устунликларга эга бўлиш мақсадида пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.;

рағбанантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқланмаган устунлик бериш, бирон-бир кафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва ҳ.) таъминлаш мақсадида бошқа Тараф ишчиларига, унинг аффилиланган шахсларига пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга ҳилоф ва ғайриҳуқуқий бошқа ҳаракатлар.

13.4. Агар Тарафда коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки содир этилиши мумкинлиги ҳақида гумонлари пайдо бўлса, тегишли Тараф бошқа Тарафни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади ва тегишли ҳуқуқбузарлик содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги ҳақида бошқа Тарафнинг тасдиқномасини олгунга қадар Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари ижросини тўхтатиб туришга ҳақли. Тасдиқнома ёзма хабарнома олинган санадан 10 (ўн) банк иш куни давомида юборилиши лозим.

13.5. Бир Тараф коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда ва/ёки бошқа Тараф ҳуқуқбузарлик содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақида ўрнатилган муддатда тасдиқнома олмаган тақдирда, бошқа Тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида Шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Тараф, Шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **14. Яқунловчи қоидалар**

14.1. Ушбу Шартнома шартларининг ҳар қандай ўзгариши томонларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади ва қўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Ушбу Шартномага ҳар қандай қўшимча келишувлар, Банкнинг ваколатли вакилининг иштирокисиз тузилган бўлса ва ушбу келишувларда Банкнинг муҳри бўлмаса, юридик кучга эга бўлмайди.

14.2. Шартнома ўзбек тилида 2 (икки) нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирида сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик ҳужжат мақомига эга.

#### **14. Томонларнинг реқвизитлари**